



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**7 (57) 2023**

**Сопредседатели редакционной  
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

*Ред. коллегия:*

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
С.И. ИСМОИЛОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А. ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**7 (57)**

**2023**

*июль*

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com>

E: [ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

Received: 20.06.2023, Accepted: 30.06.2023, Published: 10.07.2023.

УДК 616.314-002-02+ 616.314-002-08

## ҲОМИЛАДОР, ЭМИЗИКЛИ АЁЛЛАР СТОМАТОЛОГИК САЛОМАТЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВА БАҲОЛАШ

Қурбанов Д.Ф. <https://orcid.org/0009-0002-9069-9101>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,  
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Резюме

*Бугунги кунда ҳомиладор, туққан ва эмизикли аёллар орасида стоматологик касалликлар билан касалланиш даражасини пасайтириш улар ҳаёт сифати билан узвий боғлиқлиги исботланган. Шу сабабли ушбу контингентда стоматологик касалликлар профилактикасини такомиллаштириш, шу асосда стоматологик касалликлар билан касалланишни сезиларли даражада камайитириш оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.*

*Калит сўзлар: Ҳомиладор аёллар, стоматологик саломатлик, оғиз бўшлиғи.*

## ИЗУЧЕНИЕ И ОЦЕНКА СОСТОЯНИЯ ЗУБОВ БЕРЕМЕННЫХ И КОРМЯЩИХ ЖЕНЩИН

Қурбанов Д.Ф. <https://orcid.org/0009-0002-9069-9101>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,  
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Резюме

*Сегодня доказано, что снижение заболеваемости стоматологическими заболеваниями среди беременных, рожениц и кормящих женщин неразрывно связано с качеством их жизни. Поэтому улучшение профилактики стоматологических заболеваний у этого контингента, на основе чего значительно снижается заболеваемость стоматологическими заболеваниями, имеет важное значение для охраны здоровья матерей и детей.*

*Ключевые слова: Беременные женщины, здоровье зубов, полости рта.*

## STUDY AND ASSESSMENT OF THE DENTAL CONDITION OF PREGNANT AND LACTATING WOMEN

Kurbanov D.F. <https://orcid.org/0009-0002-9069-9101>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1  
Tel: +998(65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Resume

*Today, it has been proven that the reduction in the incidence of dental diseases among pregnant women, women in labor and nursing women is inextricably linked with their quality of life. Therefore, improving the prevention of dental diseases in this contingent, on the basis of which the incidence of dental diseases is significantly reduced, is important for the health of mothers and children.*

*Keywords: Pregnant women, dental health, oral.*

## Долзарблиги

угунги кунда мамлакатимизда соғлом она ва соғлом бола саломатлигига эътибор энг юқори даражада эканлиги диққатни жалб қилади. Шу муносабат билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари долзарб ва юқори заруратга эгадир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ шароитида яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар стоматологик саломатлигини ўрганиш ва ушбу ҳолатни баҳолаш мақсадида илмий-тадқиқот иши ташкил қилинди ва ўтказилди. Тадқиқотларни ўтказиш даврида унга монелик қилувчи ташқи омиллар бўлмади. Барча тадқиқотларни ўтказишдан олдин тадқиқот иши режалаштирилди ва тадқиқот дизайни сифатида шакллантирилди.

Биринчи босқич тайёргарлик босқичи бўлиб, унда тадқиқот объекти ва предмети танланди, йиғиладиган клиник материал ҳажми белгилаб олинди. Илмий ишнинг назарий базасини таъминлаш мақсадида мавзу бўйича ватандош ва хорижий тадқиқотчилар илмий манбалари ўрганилди, талкин ва таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқот услубий базасини таъминлаш мақсадида стоматологик, иммунологик ва статистик усуллар танланди, ўзлаштирилди, анкета ва карталар тузилиб расмийлаштирилди. Тадқиқотнинг назарий ва услубий базасини аниқлаш билан бир қаторда унинг материал-техник базаси ҳам тайёрланди, тадқиқот учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар лабораторияда текшириш учун клиник база зарур реактивлар ва бошқалар тайёрлаб кўйилди. Шундан сўнг, тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилояти Пешу туман тиббиёт бирлашмаси стоматология бўлимида мурожаат қилинган беморлар танланди. Ушбу туманни танланиши унинг йирик саноат шаҳридан (Бухоро шаҳри) узоклиги, типик қишлоқ тумани эканлиги, яшаб турган аҳолининг барчаси шу қишлоқда доимий яшаши, иш жойи ҳам шу қишлоқда эканлиги, турмуш тарзи ҳам қишлоқ ҳаётига мослиги, тиббий ёрдам сифати Республика бўйича қишлоқ шароитидан фарқ қилмаслиги бўйича тасодифий танланди. Ушбу ҳудудда яшовчи барча аёллар рўйхатга олиниб уларни 20% и тадқиқотларга жалб қилинди. Бу далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мос келиши билан ажралиб туради. Шундан сўнг, шу ҳудудда яшовчи ҳомиладорлар стоматологик кўриқдан ўтказилди. Тадқиқотларга ҳомиладорликнинг III триместрида бўлган аёллар жалб қилинди. Маълумки III триместрга ҳомиладорликнинг 28-42 ҳафталари киради, текширилган ҳомиладорларнинг барчаси ҳомиладорликнинг охириги босқичида - 38-42 ҳафталарида бўлишган. Ушбу муддат танланиши ҳомиладорларнинг организмга, шу жумладан оғиз бўшлиғига таъсирининг энг юқори чўққиси эканлиги билан боғлиқ.

Тадқиқотларни ўтказишда унинг рандомизасияланганига эътибор берилди, шу билан бирга таққосланаётган гуруҳлар бир бирига репрезентатив бўлди. Рандомизасия ва репрезентативлик тадқиқот натижасида ҳақоний натижалар олиш ва асосли хулосалар қилиш учун катта аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олинди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида шахсий изланишлар ўтказилди, унда стоматологлардан иборат бригада ташкил қилиниб, маҳаллий қишлоқ врачлик пунктида қабул уюштирилди, стоматологик саломатлик ўрганилиши баробарида клиник-иммунологик тадқиқотлар учун қон зардоби ва сўлак олиниб, музлатгичда қолдирилди. Жами 145 нафар ҳомиладорлар стоматологик кўриқдан ўтказилиб, натижалар уларнинг амбулатор карталари ва махсус тузилган карталарга киритилди. Маълум муддатдан сўнг, ушбу аёллар фарзандли бўлгач, айнан улар яна бир марта эмизикли аёллар сифатида, такроран стоматологик кўриқдан ўтказилиб, стоматологик саломатлик ва клиник-иммунологик тадқиқотлар учун қон зардоби ва сўлак олинди. Ушбу босқич шахсий изланишлар натижалари олиниб, етарли клиник материал йиғилгач, тўхтатилди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида барча йиғилган шахсий изланишлар натижалари умумлаштирилди, тизимланди, статистик ишлаш учун таёрланди. Шундан сўнг, ананавий вариасион статистика усуллари ёрдамида статистик ишланди, олинган натижалар асосида жадваллар ва диаграммалар таёрланди. Улар асосида илмий раҳбар назорати ва бевосита иштирокида диссертасия ёзилди, тадқиқотнинг бирламчи материаллари расмийлаштирилди. Мақолалар чоп этилиб, тадқиқот натижалари услубий тавсиянома кўринишида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилгач, диссертасия очиқ химоя учун тайёр деб ҳисобланди [1.3.5.7.9.11.13.15].

Илмий-тадқиқот ишига жалб қилинган 145 нафар аёллар фертил ёшда бўлиб (19-49 ёш), Бухоро вилояти Пешкў тумани Қучоқ, Шибиғони, Ўғлон, Боғимусо, Саройча, Садир маҳалла фуқаролар йиғинларида доимий истиқомат қилишган. Улар уч марта - ҳомиладорлик даврининг

III-триместрида, туғиш ва эмизикли даврларида стоматологик кўриқдан ўтказилган. Стоматологик кўриқ ҳомиладорликнинг 38-40 ҳафтасида, туққандан 3-5 кун ўтгач ва эмизикли даврда туққандан 40-45 кун ўтгач ўтказилди.

Улар ёш бўйича қуйидагича тақсимланди: 19-25 ёш - 49 нафар, 26-30 ёш - 83 нафар, 31-35 ёш - 12 нафар, 36-40 ёш - 1 нафар (1-жадвал).


1-жадвал

**Тадқиқотларга жалб қилинган ҳомиладор аёлларнинг ёш бўйича тақсимланиш кўрсаткичлари**

Ёш гуруҳлари	Мутлоқ сон	Нисбий сон (%)
19-20 ёш	49	33,79±3,93
26-30 ёш	83	57,24±4,11
31-35 ёш	12	8,28±2,29
36-49 ёш	1	0,69±0,68
Жами	145	100,0

Кўриниб турибдики, табиий равишда 30 ёшгача бўлган ҳомиладорлар кўпчиликни (91,03%) ташкил этишган.

Ўрганилган аёлларнинг ижтимоий ҳолати ҳам муҳим аҳамиятга эга, бу уларнинг турмуш тарзига, тиббий ва санитар маданиятига бевосита таъсир кўрсатади. Олинган натижалар 1-расм кўринишида келтирилди.



1-расм. Тадқиқотларга жалб қилинган ҳомиладор аёлларнинг ижтимоий ҳолати бўйича тақсимланиш даражаси, % (ИХ-ижтимоий ҳолати)

**Натижа ва таҳлиллар**

Кўриниб турибдики, ўрганилган контингентнинг асосий қисмини уй бекалари ташкил этган (84,83±2,98%, n=123), кейинги ўринларда хизматчилар (7,58±2,20%, n=11), фермер хўжалиги ишчилари (4,14±1,65%, n=6) ва талабалар (3,45±1,52%, n=5) бўлишган. Ушбу ҳолат танланган ҳудуднинг типик қишлоқ жойи эканлигини яна бир бор исботлаб турибди.

Ушбу ҳомиладор аёллар саломатлигининг ҳайз циклига боғлиқлиги ўрганилганда уларнинг 122 нафаридан (84,14±3,03%) ҳайздан олдин ёки кейин, шунингдек ҳайз даврида патологик ўзгаришлар кузатилмаган, аммо 23 нафаридан (15,86±3,03%) ҳайз оғриқли ва давомли бўлган. Бу ҳолат ушбу ҳомиладорлик кечишига жиддий таъсир кўрсатмаган.

Ҳомила ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллардан бири эр-хотин орасидаги қариндошчилик даражасидир, шундан келиб чиққан ҳолда аниқланишича, аёлларнинг 3 нафари (2,07±1,18%) эрлари билан яқин қариндош, 10 нафари (6,90±2,10%) узоқ қариндош бўлган, 132 нафари (91,03±2,37%) бўлса турмуш ўртоқлари билан ҳеч қандай қариндошчиликлари бўлмаган. Бу ҳолат ҳам ушбу ўрганилаётган аёллар ҳомиладорликларига кечишига салбий таъсир ўтказмаган.

Организм саломатлиги, шу жумладан оғиз бўшлиги ҳолатига, шунингдек ҳомила ривожланишида турли ташқи омиллар қаторида зарарли одатларнинг ҳам ўрни катта, шу сабабли текширилган аёлларда шу ҳолат бўйича сўров ўтказилди. Аниқланишича, ўрганилган аёллар ҳомиладорлик даврида ҳам, ундан олдин ҳам чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан йироқликларини кўрсатишган.

Ушбу аёллар турмуш ўртоқларидан 56 нафари (38,62±4,04%) сигарета ёки носвой чекиши, 89 нафари (61,38±4,04%) спиртли ичимликлар истеъмол қилиши маълум бўлди, аммо бу ҳолат айнан шу ҳомила кечишида салбий таъсир кўрсатгани кузатилмади.

Онанинг саломатлигига таъсир қилувчи яна бир омил бу онада кечган ҳомиладорликлар сони ҳисобланади, шу сабабли аёлларни айнан шу ҳомиласини нечанчи эканлиги ўрганилди (2.2-жадвал).

Аниқланган натижалар шуни кўрсатдики, ҳомиладорликлар ва туғишлар сони мамлакатимизнинг қишлоқ жойлари учун типик ҳисобланади ва ўртача Республика кўрсаткичларидан фарқ қилмади. Шуниси эътиборлики, аёллардаги ҳомиладорликлар сони ва улар стоматологик саломатлиги орасида боғлиқлик борлиги аниқланди. Ушбу боғлиқлик диссертациянинг учинчи бобида батафсил келтирилди.

2-жадвал

**Текширилган ҳомиладор аёллардаги ҳомиладорликлар сони кўрсаткичлари**

Ҳомиладорликлар сони	Мутлоқ сон	Нисбий сон %
1	56	38,62±4,04
2	30	20,69±3,36
3	46	31,72±3,86
4	13	8,97±2,37

Ҳомиладорликнинг кечиши ҳомиладор аёлларда турлича кечган, уларнинг 127 нафарида (87,59±2,74%) ҳомиладорликнинг биринчи триместрда таксикоз кузатилган, 5 нафар (3,45±1,52%) таксикоз ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида кузатилган, жами 13 нафар (8,96±2,37%) аёлларда ушбу ҳомиладорлик таксикозсиз кечган. Ушбу ҳолат ҳомиладор аёл ҳолатига ва ҳомиладорлик кечишига жиддий салбий таъсир кўрсатмаган.

Ҳомиладорлик кечиши, унинг якуни, эмизикли аёллар ҳаёт тарзига таъсир қилиши муносабати билан ушбу ҳомиладорлар бошидан кечирган касалликлари ва ҳомиладорлик давридаги ўтказган касалликлари учраш даражаси бўйича тақсимланди. Касалланишлар алоҳида келтирилиб, натижалари талқин ва таҳлил этилди. Ўрганилган ҳомиладор аёлларнинг ушбу ҳомиладорликда бошидан кечирган касалликларини ўрганиш шуни кўрсатдики (2.3-жадвал), энг кўп учраган касалликлар турли даражадаги анемиялар бўлди (97,93±1,18%, n=142).

Бошидан кечирилган касалликлар қаторига эндокринологик касалликлар (12,41±2,74% n=18) ЎРВИ (11,72±2,67% n=17), буйрак касалликларини (6,21±2,00% n=9) мисол қилиш мумкин. Бошқа касалликлар 1,38-3,45% (n=2-5) ҳолатларда кам миқдорда учради. Келтирилган касалликлар тақсмоти аёлларнинг экстрогенитал касалликлар билан касалланиши ҳақиқий ҳолатини кўрсатмайди, чунки беморларни тадқиқотларга жалб қилиш мезонларига мувофиқ оғир соматик, сурункали, юкумли ва ўсма касалликларини бошидан кечирган аёллар тадқиқотларга жалб этилмади. Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган касалликлар учраш даражаси ва стоматологик саломатлик ҳолати орасида тўғри ва тескари кучли ёки ўртача кучдаги боғлиқлар учрамади, барча корреляцион боғланишлар жуда заиф бўлиб ( $p=0,1 - p=0,2$ ), стоматологик саломатликка таъсир этадиган даражада бўлмади [2.4.6.8.10.12.14].

**Ўрганилган ҳомиладорларнинг бошидан кечирган касалликлари тақсимланиш даражаси**

Нозологик бирликлар	Мутлоқ сон	Нисбий сон (%)
Анемиялар (I-II даражалар)	142	97,93±1,18
Эндокринологик касалликлар	18	12,41±2,74
ЎРВИ	17	11,72±2,74
Буйрак касалликлари	9	6,21±2,00
Гайморит	5	3,45±1,52
Неврологик касалликлар	2	1,38±0,97
ЛОР аъзолари касалликлари	2	1,38±0,97
Сурункали гепатит (ремиссия даври)	2	1,38 ± 0,97
Семизлик	2	1,38 ± 0,97

Ўрганилган контингент учун нафақат бошидан кечирган касалликлари, балки ҳомиладорлик даврида кузатилган касалликлар ҳам жуда муҳим. Шу сабабли ушбу касалланишлар даражаси ўрганилиб, 2.4-жадвал кўринишида келтирилди.


Кўриниб турибдики, ушбу даврда касалланишлар кам бўлиб, асосан темир танқислиги анемияси (91,72±2,29% n=133), ЎРВИ (7,59±2,20% n=11) ва бўқоқ касаллиги аниқланди (6,21±2,00% n=9). Бошқа касалликлар 0,69-2,07% оралиғида, кам миқдорда учради. Ушбу касалликларнинг ҳам ушбу аёллар стоматологик саломатлигига таъсири борлиги исботланмади, чунки стоматологик касалликлар ривожланиш ва ҳомиладорлик даврида аниқланган хасталиклар орасида узвий боғлиқлар аниқланмади. Бу ҳолат ҳомиладорлик давридаги аёл организми ҳолати сифатида талқин этилди.

**Ҳомиладорлик даврида учраган касалликлар тақсимланиш даражаси**

Нозологик бирликлар	Мутлоқ сон	Нисбий сон (%)
Темир танқислиги анемияси	133	91,72 ± 2,29
ЎРВИ	11	7,59 ± 2,20
Бўқоқ (1- ва 2- даражалари)	9	6,21 ± 2,00
Ҳомила тушиш хавфи	3	2,07 ± 1,18
Бачадон чандиғи	2	1,38 ± 0,97
Систит	2	1,38 ± 0,97
Пиелонефрит	2	1,38 ± 0,97
Эрта туғиш	1	0,69 ± 0,68
Кеч туғиш	1	0,69 ± 0,68

Яна бир эътиборли жиҳат, бу ҳомиладорлик даврида ушбу аёлларнинг турли дори воситалари, шу жумладан антибиотиклардан даволаш мақсадларида фойдаланишлари бўлди. Аниқланишча, ҳомиладорлик кечиш даврида ушбу аёлларнинг бир қисми турли дори воситалардан фойдаланишган, улар ўрганилган аёллар томонидан фақат шифокор тавсияси билан истеъмол қилишгани маълум бўлди.

Тадқиқотларга жалб қилинган аёллар орасида ўтказилган сўровнома натижалари ва улар амбулатор карталарини таҳлил қилиш барча аёллар 6 хил дори воситаларидан фойдаланишганларини кўрсатди (2-расм).



**2-расм. Тадқиқотлари жалб қилинган ҳомиладор аёллар томонидан фойдаланилган дори воситалари тақсимланиши, %**

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, қишлоқ шароитида яшовчи аёллар орасида ёдомарин ( $81,38 \pm 3,23\%$   $n=118$ ), малтофер ( $51,72 \pm 4,15\%$   $n=75$ ), кальций D3 цикломед ( $42,07 \pm 4,10\%$   $n=61$ ), элевит ва антисептик препаратлар (мос равишда  $20,69 \pm 3,36\%$  дан,  $n=30$ ) кенг тарқалган, каниферондан фақат 5 нафар ҳомиладор аёл ( $3,45 \pm 1,52\%$ ) фойдаланган. Қиёсий таҳлил, шунингдек ўрганилганларни индивидуал кузатиш ушбу препаратлардан фойдаланиш ва стоматологик саломатлик бузилиши орасида боғлиқликни кўрсатмади. Коррелясион таҳлил ушбу кўрсаткичлар орасида тўғри, заиф боғланишлар борлигини кўрсатди ( $\rho=0,1$  -  $\rho=0,15$ ).

### Хулоса

Кўриниб турибдики, антибиотиклардан фойдаланиш камдан-кам бўлган. Суриштирув шуни кўрсатадики, улар шифокор назорати остида, тиббий зарурат юзасидан қўлланилган. Цефтриаксон 13 нафар ( $8,97 \pm 2,37\%$ ), Цефазолин 6 нафар ( $4,14 \pm 1,60\%$ ), Цефипим ва метронидазол 1 нафардан ( $0,69 \pm 0,68\%$  дан) аёлларда қўлланилган. Ушбу аёлларни индивидуал ҳомиладорлик ва эмизикли даврда кузатиш уларда потологик ҳолатлар, асоратлар бўлмаганини кўрсатди, улар чақалоқлари соғлом туғилди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Qurbonov D.F., Xabibova N.N., Eronov Yo.Q. Prevention of dental diseases of the system pregnant women in labor-lactating women // NeuroQuantology. June 2022;20(19):18-29 (Scopus Q<sub>3</sub>).
2. Qurbonov D.F., Xabibova N.N. Medical and Social Aspects of Prevention of Dental Diseases in Pregnant and Lactating Women // Middle european scientific bulletin. Sep-2022;28:1-5 (Impact factor 7,525).
3. Qurbonov D.F., Xabibova N.N. To evaluate the effectiveness of prevention of dental diseases in pregnant and lactating women // European journal of modern medicine and practice. 2022;2(9):1-5. (IF - 7,525)
4. Qurbonov D.F., Xabibova N.N. Aspects of Prevention of Dental Diseases in Pregnant and Lactating Women // Web of Scholars: Multidimensional Research Journal (MRJ). - Germany, 2022;1(5):29-33 (IF - 8,7).

5. Ibragimova F.I., Qurbonov D.F. A comparative evaluation of changes in facial parameters in partial secondary adentia // International journal on human computing studies. - Indonesia, 2021;3(2):35-37.(IF - 7,69).
6. Курбонов Д.Ф., Хабибова Н.Н. Ҳомиладор аёллар стоматологик саломатлигини аниқлаш кўрсаткичлари //Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. – Самарканд, 2023;4(2):42.
7. Курбонов Д.Ф., Хабибова Н.Н. Ҳомиладор, тукқан ва эмизикли аёлларда стоматологик касалликлар учраш даражасининг тиббий-ижтимоий жиҳатлари // Стоматология. – Тошкент, 2023;3(98):124.(14.00.00; №.12).
8. Ibragimova F.I., Qurbonov D.F. Prediction of dental morbidity in chemical industry workers // «Стоматологиянинг долзарб муаммолари» Республика илмий амалий анжумани. - Бухоро 2022;104.
9. Qurbonov D.F. Aspects of prevention of dental diseases in pregnant and lactating women // «Стоматологик касалликлар профилактикаси ва болалар стоматологиясининг долзарб муаммолари» III Халқаро илмий анжумани материаллари. - Тошкент, 2022;66-68.
10. Qurbonov D.F. Dental diseases in pregnant and lactating women // «Стоматологик касалликлар профилактикаси ва болалар стоматологиясининг долзарб муаммолари» III Халқаро илмий анжумани материаллари. - Тошкент, 2022;68-70.
11. Qurbonov D.F. Prevention of dental diseases in pregnant and lactating women // «Стоматологик касалликлар профилактикаси ва болалар стоматологиясининг долзарб муаммолари» III Халқаро илмий анжумани материаллари. - Тошкент, 2022;70-71.
12. Nuraliev N.A., Qurbonov D.F. Ҳомиладор - туғувчи - эмизикли аёллар тизимидаги стоматологик касалликларни олдини олишнинг тиббий-ижтимоий жиҳатларини аниқлаш дастури. Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома DGU 20224240. 04.08.2022 йилдан.
13. Курбонов Д.Ф. Қишлоқ шароитида яшовчи ҳомиладор аёллар стоматологик саломатлигини ўрганиш усули // Услубий тавсиянома. - Бухоро, 2023;22.
14. Qurbanov D.F. Features of the Identification of Local Immune Factors In The Oral Cavity Of Pregnant, Lactating Women // International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses (SPAIN) 2020;209-210.
15. Qurbanov D.F. Nursing Women Living Permanently In Rural Areas Dental Disease Treatment Analysis // International Conference on Research Identity, Value and Ethics (USA) 2020;500-501.

**Қабул қилинган сана 20.06.2023**